



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 24 - 24 mart

167n -son

Bog‘ot shaharchasi

**Bo‘gotda 2021 -yilda besh ta muhim tashabbusni amalga oshirish
chora-tadbirlari tuzgirisida**

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодкорликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш бўйича алоҳида тизим яратилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бешта муҳим ташаббусни ёшлар ҳаётига ижобий таъсирини янада кучайтириш ва натижадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 декабрдаги “Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратиш, соҳада ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 100-сонли йиғилиш баёнининг 17-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 декабрдаги “Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратиш, соҳада ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 100-сонли йиғилиш баёнининг 17-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. 2021 йилда бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги, (С.Қурбонов, А.Қуръязов, Р.Шарипов), туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Абдуллаева), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (О.Матниёзов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши (Ш.Мавлонов), туман маданият бўлими (Қ.Авазматов), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Ш.Шерметов), туман телекоммуникация боғланмаси (Ж.Худайқулов), туман почта алоқа бўлими (Р.Бекчанов), Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими (С.Ражабов), туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Э.Рўзметов), туман бандликка кўмаклашиш маркази (Д.Бекчанов):

маҳалла ёшлари, талабалар ва ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш мақсадида янгидан сўровномалар ўтказиш ва уларнинг натижаларига кўра йил давомида ишлайдиган тўғарак ва машғулотларнинг аниқ манзилли рўйхатини шакллантириш;

бир ҳафта муддатда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишни янада яхшилаш ва қизиқишларини ошириш мақсадида ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, танловлар, қизиқарли беллашувлар, заковат ва викторина ўйинлари ташкил этиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қўшма режа-график ишлаб чиқиш;

бешта муҳим ташаббусга алоқадор ташкилотлар амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан қўшма меморандумларни имзолаш;

чора-тадбирларнинг ижроси бўйича ҳар ойда туман ҳокимига ахборот киритиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Абдуллаева), “Боғот садоси” газетаси (Ш.Усмонхўжаев)га бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Р.Шарипов ва Э.Рўзметовлар зиммасига юклансин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев